



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 23 декабрь, № 247 (4657)

Сешанба

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунилик палатаси томонидан 2008 йил 30 октябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2008 йил 4 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги 358-И-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 68-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 9, 415-модда; 2008 йил, № 4, 192-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **6-модданинг биринчи қисми:** қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин: «қимматли қўғозлар бозорига инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш. Бунда мазкур фаолият турини амалга ошириш учун суғурталовчининг лицензия олиши талаб қилинмайди»;

бешинчи — ўн бешинчи хатбошилари тегишинча **олтинчи — ўн олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) **10-модданинг иккинчи қисми:** **олтинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин: «суғурталовчининг, суғурта брокерининг раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талабларини белгилайди»; қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шу жумладан белгиланган иқтисодий нормативлар суғурталовчи томонидан бузилганлиги учун суғурталовчининг устав фонди энг кам миқдорининг 0,1 фоизгача миқдорда белгиланган тартибда жарима солади»;

тўққизинчи — ўн бешинчи хатбошилари тегишинча **ўннинг — ўн олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

3) **12-модданинг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан» деган сўзлар «қонун ҳужжатлари билан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти **И. КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2008 йил 22 декабрь
№ УРҚ — 192

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Амнистия актини қўллаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунилик палатаси томонидан 2008 йил 19 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2008 йил 4 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; № 5, 124-модда; № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда; № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда; № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **29-модданинг биринчи қисми** «жабардор қилган ҳолда кўриб чиқиш» деган сўзлардан кейин «прокурорнинг амнистия актига асосан жиноят ишини кўзга тутиш рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги ёхуд маҳкуми жазодан озод қилиш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **34-модданинг биринчи қисми** «558» рақамидан кейин «589» рақами билан тўлдирилсин;

3) **36-модданинг биринчи қисми** «ёки ўзгартиришга» деган сўзлардан кейин «амнистия актига асосан жиноят ишини кўзга тутиш рад қилиш тўғрисида ёки жиноят ишини тугатиш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисида прокурорга тақдимнома киритишга» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **46-модданинг биринчи қисмидаги** «ярашув тўғрисидаги» деган сўзлар «ярашув тўғрисидаги, амнистия актини қўллаш ҳақидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **48-модданинг биринчи қисмидаги** «ярашув тўғрисидаги» деган сўзлар «ярашув тўғрисидаги, амнистия актини қўллаш ҳақидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **329-модда биринчи қисмининг иккинчи жумласи** «чиқарилганга қадар» деган сўзлардан кейин «ёхуд терговга қадар ўтказилган текширув материаллари ушбу Кодекснинг 587-моддасига мувофиқ прокурорга юборилганига қадар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

(Давоми 2-бетда).

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯ САМАРАСИ

«Элтекс» Эллиққалъа тўқимачилик мажмуаси ҳиссдорлик жамияти мамлакатимиз иқтисодиётида ўз ўрнига эга. Мазкур корхонанинг тўқимачилик маҳсулотларини нафақат юртимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам яхши билишади.

Корхонада иш икки сменада ташкил этилган бўлиб, бу ерда 250 нафар ишчи унумли меҳнат қилиб келмоқда. Ишлаб чиқарилаётган 10 турга яқин сифатли маҳсулотлар жамиятнинг иқтисодий аҳволини юксалтирмоқда.

Модернизация

Шу билан бирга, ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш мақсадида замонавий технологиялар изчил жорий этилмоқда. Корхонага янги келтирилган SDV-196 маркали машина бир кеча-кундузда 2,5 тонна тайёр калава ип ишлаб чиқармоқда. Хуллас, Қорақалпоғистон жанубидаги ушбу корхона модернизация туфайли тобора қудратли бўлиб бормоқда.

СУРАТДА: ип-йигирув машинаси ишчиси **Рохатой Исмоилова**.

Бахтиёр **АКРАМОВ** олган сурат.



Ўзбекистон — Туркия:

ИШБИЛАРМОНЛАР УЧРАШУВИ

Пойтахтимизда 22 декабрь кuni Ўзбекистон ва Туркия ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Туркия Республикаси Ташқи савдо вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сарможий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Унда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, банк-молия, қурилиш, машинасозлик, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, озиқ-овқат, кимё, энгил санаят, тўқимачилик, транспорт ва транспорт коммуникация-

лари, авиация, хизмат кўрсатиш ҳамда сайёҳлик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари Н. Нажимов, Туркия Республикаси ташқи савдо вазирининг ўринбосари Гўзал Улкер икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасида барча соҳаларда, жумладан, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлашди.

Форумда туркиялик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб этишини устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Меҳмонлар юртимизда давом этаётган кенг қўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизни юксалтириш йўлида олиб борилаётган изчил ислохотлар, сармоявий муҳит ва имкониятлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бора-сидиги ўзгаришлар билан танидишди.

Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлиги кўплаб соҳаларда изчил ривожланмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий соҳада энг кўп қўлайлик яратиш тартиби амал қилмоқда. 2008 йилнинг январь-октябр ойларида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 7,6 фоиз ошди. Ўзбекистонда Туркия сармояси иштирокида тузилган олти юзга яқин қўшма корхона, ушбу мамлакатдаги қарийб юз фирма ва компаниянинг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар савдо, кимё, озиқ-овқат санаяти, тўқимачилик, кўнчилик, қурилиш каби соҳаларда иш юритаётди.

Ўзбекистон — Туркия

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОНДА САРМОЯДОРЛАРГА ЯРАТИЛГАН МУҲИТ ҲАҚИДА ЛОНДОНДА КОНФЕРЕНЦИЯ

Лондондаги Сити ишбилармонлик марказида жойлашган «Denton WildeSapte» юридик компаниясининг бош идорасида «Ўзбекистонда бизнес учун яратилган янги имкониятлар: атраф-муҳит сектори, жумладан, Соф тараққиёт механизми» мавзусига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

IBC Conferences, «British American Tobacco», «Worley Parsons», «Oxus Gold» ва «Shell» компаниялари кўмагида ташкил этилган учрашууда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, «Ўзбекнефтегаз», «Ўзкимёсанаят» ва «Ўзинфонивест» каби мамлакатимизнинг йirik компания ва агентликлари ҳамда Оролбўйи генфондини муҳофаза қилиш жамғармаси вакиллари билан иборат делегация иштирок этди. Тадбирда Британия томонидан Буюк

Биз ва жаҳон

Британия ҳукумати вакили лорд Ф. Понсонби, Савдо ва санаят бўйича Ўзбекистон — Британия кенгаши ҳамраиси Х. Бут, Буюк Британия Ташқи ишлар вазирлигининг Россия, Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё департаменти директори М. Давенпорт иштирок этди. Анжуманда, шунингдек, Буюк Британия ҳамда халқаро миқёсда фаолият юритувчи бир қатор йи-

рик компания ва банклар, экспертлар доиралари вакиллари ҳамда дипломатия ваколатхоналари ходимлари иштирок этди. Анжуман аввалида шаҳзода Майкл Кен-токсийнинг учрашув иштирокчиларига йўлаган табрик мактуби ўқиб эшиттирилди. Унда мазкур тадбирнинг ўтказилиши ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, у Британия бизнеси кўламини кенгайтириш билан бир қаторда Ўзбекистонга янги сармояларни жалб этиш ҳамда Марказий Осиёда атраф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги сайё-ҳаракатларни янада такомиллаштириш ишига хизмат қилиши баён этилди.

Тадбирда сўзга чиққан лорд Ф. Понсонби учрашув иштирокчиларига ўз ҳукумати

(Давоми 2-бетда).

Пойтахтимизда Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси томонидан ёшлар билан ишловчи жамоат ташкилотлари имкониятларини кенгайтириш лойиҳаси доирасида «Юксалиш мактаби» иш бошлади.

«ЮКСАЛИШ МАКТАБИ» ИШ БОШЛАДИ

«Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди кўмагида ўтказилмоқда.

Мазкур мактаб машғулотларида ёшларга оид етакчи нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, жумладан, «Қамолот» ёшлар иқтимоий ҳаракати, «Келажақ овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг ёшлар лойиҳалари иштирокчилари, сиёсий партияларнинг ёшлар қаноти, хотин-қизлар кўмиталарининг вакиллари иштирок этмоқда.

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси кенгаши раиси Н.Ҳабибуллаев, «Қамолот» ёшлар иқтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси А. Алимов, «Келажақ овози» ёшлар ташаббуслари маркази бошқаруви раиси Б. Шаропов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунилик палатаси депутаты Р. Охунов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов томонидан юртимизда навқирон авлоднинг камолоти йўлида ганжхўрлик кўрсатиш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш

борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ўз самараларини бераётганини таъкидлади. Мамлакатимизда фаолият юритаётган беш миңдан зиёд жамоат ташкилотлари жамиятимизда демократик кадрларнинг мустаҳкамланиши, фуқароларнинг сиёсий-иқтимоий фаоллигини оширишга салмоқли ҳисса қўшаётди. Уларнинг муайян қисми ёшларнинг таълим-тарбияси, саломатлигини мустаҳкамлаш, иқтисодий, ҳуқуқий, экологик билимини ошириш каби соҳаларга йўналтирилган. Тезкор ўзгараётган замон ёшлар йўналишида иш олиб боровчи жамоат ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, йигит-қизлардаги илғор ташаббусларни қўллаб-қувватлашда самарали шериклик ва ҳамкорликни йўлга қўйишни талаб этмоқда.

«Юксалиш мактабининг» тўрт кун давом этадиган машғулотларида айнан мана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилади, жамоат ташкилотларининг «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасидаги лойиҳалари атрафлича таҳлил этилади. Иқтимоий ҳамкорлик, ахборот технологиялари ва ННТлар фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий кафолатларига бағишланган маърузалар тинглангани ва муҳокама этилади.

(ЎЗА).

ТАЪЛИМ СИФАТИ ЯНАДА ЯХШИЛАНМОҚДА

Мактаб ўқитувчилари меҳнатига ҳақ тўлашда уларнинг таълим ишига фидойилиги ва билим-малакаси изчил бош мезон қилиб олингани туфайли фақат 2008 йилнинг ўзига умумтаълим мактаблари педагогларининг ойлик маошлари ўртача

1,6 баробар оширилди.



Бундай эътибор бутун мамлакатда ўқитувчиларнинг ўзига талабчанлигини кучайтириб, ишга муносабатини янгиланмоқда. Пировардида барча мактабларда таълим сифати янада яхшиланмоқда.

БИР РАҚАМ ШАРХИ



(Давоми 2-бетда).

ЖАҲОН

24 соат ичида

Темир йўлдаги ёнгин

Латвиянинг «Вентспилс 2» темирйўл станциясида ёнгли юкланган 10 та цистерна ёниб кетди. Бу ҳақда «Интерфакс» ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Дастлабки таҳминларга кўра, ёнгин поездинг кескин тўхташи натижасида келиб чиққан бўлиши мумкин.

Поезд машинисти ва ёрдамчиси бедарак йўқолган. Бахтсиз ҳодиса туфайли бир киши ҳалок бўлган.

Айни пайтда воқеа юзасидан текшириш ишлари олиб борилаётган.



Тезкор чора кўрилди



Афғонистондаги каолици кучлари ва афғон ҳарбийлари ҳамкорлигида мамлакат жанубидаги гиеҳванд моддалар

билан шуғулланаётган жиноятчиларга қарши махсус операция амалга оширилди.

«Associated Press» ахборот агентлигининг маълум қилишича, жанговар ҳаракатлар Кандаҳор музофотидаги Арғистан туманида олиб борилган. Натижада у ердаги ишламаётган мактаб биналарининг бириндан 2,5 тонна марихуана гиеҳванд моддаси борлиги аниқланган ва йўқ қилинган.

Самолёт ҳалокати

АҚШнинг Денвер (Колорадо штати) халқаро аэропортида Хюстон шаҳрига парвозни амалга оширишда бўлган «Continental Airlines» авиакомпаниясига тегишли «Boeing 737» самолёти учиб йўлағида ёниб кетди.

Ҳожа юз берган вақтда мазкур ҳаво лайнери бортида 107 йўловчи ва 5 нафар экипаж аъзоси бўлган. Ҳалокат туфайли 58 кишининг жабрлангани айтилмоқда. Қурбонлар ҳақида аниқ маълумот йўқ. Ҳалокат сабаблари ўрганилмакда.



Инқироз касри

Standard & Poor's (S&P) халқаро рейтинг агентлиги жаҳондаги 12 та йирик банкнинг мавқеи сезиларли даражада тушиб кетганини маълум қилди.

Ушбу рўйхатдан «Bank of America», «Barclays», «Citibank», «Credit Suisse», «Deutsche Bank», «Goldman Sachs», «HSBC», «JPMorgan Chase», «Morgan Stanley», «Royal Bank of Scotland», «UBS» ва «Wells Fargo» каби молия муассасалари жой олган. Таҳлилчиларнинг фикри-

ча, бунга глобал иқтисодий инқироз сабаб бўлган. Таъкидлаш кераки, жорий йилда иқтисодий бўҳрон туфайли Америкадаги молия муассасалари 678 миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар кўрди. Европада эса бу рақам 300 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Ноқонуний маҳсулот мусодара қилинди

Италия полицияси ўтган ойда Милан шаҳрига ноқонуний равишда олиб кирилган 40 килограмм қора икрани мусодара қилди.



Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари қарорига кўра, ушбу озик-овқат маҳсулоти энди шаҳардаги кам таъминланган оилаларга тарқатилди. Манбада айтилишича, умумий қиймати 400 минг еврога тенг бўлган маҳсулотни икки нафар жиноятчи мамлакат ҳудудида Польша давлатидан олиб кирган.

Наманганда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Республика «Оила» илмий-амалий маркази ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида «Репродуктив саломатлик ва оилада маънавий-психологик муҳит ва уни соғломлаштириш» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган мазкур анжуманда шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, вилоят халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармалари раҳбарлари, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, соҳа мутахассислари

иштирок этди. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, ёш авлоднинг баркамол вояга етиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини юксалтириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Юртбошимизнинг «Юк-

сак маънавият — энгилмас куч» асарига ёшларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият кўрғони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда барчанинг асосий вазифаси, инсоний бурчига айланиши лозимлиги таъкидланган. Республика «Оила» илмий-амалий маркази ди-

ректори В. Каримова, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари У. Икромов ва бошқалар юртимизда она ва бола саломатлигига

қаратилаётган эътибор, фарзандларнинг соғлом камол топиши борасида яратилаётган имкониятлар, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш, оилаларда соғлом муҳитни вужудга келтириш, тўй ва бошқа маросимларни тартибга солиш, бу борада маҳаллалар, давлат ва жамоат ташкилотлари олдига турган вазифалар, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш

йўллари хусусида сўз юритди.

— Соғлом оила — соғлом она ва бола концепцияси орқали жамиятни ҳар томонлама юксалтиришга қаратилган катор дастурларнинг ҳаётга кенг татбиқ этилаётгани ўз самарасини бермоқда, — дейди Наманган вилояти ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси С. Раҳимова. — Вилоятимизда она ва бола скрининг маркази, акушерлик ва гинекология илмий текшириш институти филиалининг очилгани, 230 дан ортиқ замонавий кишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатаётгани бу борадаги ишларнинг амалий ифодасидир.

А. САТТОРОВ, ЎЗА мухбири.

Китоблар тўплами топширилади

Германия тадқиқот жамияти томонидан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети кутубхонасига ушбу мамлакатда чоп этилган китоблар тўплами ҳаётида.

Мазкур ҳаёти Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги элчиси Маттиас Майер топширди. Китоблар иқтисодиётнинг турли соҳалари, сиёсат, ҳуқуқ ва дипломатияга оид 94 та нашрни ўз ичига олади.

Эндиликда талабаларга нафақат немис тилини ўрганишда, балки ўзлари ўрганаётган турли соҳалардаги маълумотларни ўзлаштиришда ушбу китоблар кўл келиши табиий.

Г. САТТОРОВА.

«Бухорон» масъулияти чекланган жамиятининг бўш турган биналари полипропилен қоп ишлаб чиқариш цехи учун бошпана вазифасини ўтай бошлади. Корхона таъсисчилари имкониятлардан янада самарали фойдаланиш мақсадида 400 миллион сўм миқдоридagi маблағни мазкур цехни барпо этиш учун йўналтирдилар.

ФАОЛЛИК ВА ТАДБИРКОРЛИК ШАРОФАТИ

Бу ерга Хитойда ишлаб чиқарилган технологик линия ўрнатилди. Натижада 10 та янги иш ўрни юзга келди. Ҳозир кунига 5-6 минг дон полипропилен қоп ишлаб чиқаришмоқда. Ваҳоланки, вилоятдаги донни қайта ишлаш корхоналари ўз эҳтиёжларини қондириш учун илгари уни четдан харид қилишарди.

Талаб бор жойда даромад ҳам, интилиш ҳам бўлади. Бунга «Пешку райзер» фаолиятлари мисолида ишонч ҳосил қилиш

моқда. Қурилиш ташкилоти сифатида танилган мазкур корхона маҳаллий истеъмол бозорини ўрганиб, фаолият қамровини кенгайттирди. Корхона раҳбари Қобил Халлоқов Тошкентда ўтказилган «Узагро-минитек» халқаро кўрағамасида қатнашиб, қанқалол ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган мини цех харид

«Спорнинг сирли олами» номи билан эълон қилинаётган, турли соҳаларга бағишланган саҳифаларни назарда тутиб, Улар бир пиёла чай устида, дам олган вақтларинида ўқишга мўлжалланганки, ҳар бир сон-

Интилиш

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

Бугун замон шундайки, бир кун телевизор кўрмасанг, газета ўқимасанг ёки радио эшитмасанг, худди дунёдан узилиб қолгандек ҳис қиласан ўзингни. Шунинг учун ҳам бу восталар ҳаётимизнинг муҳим қисмига айланиб улгурди. Уларнинг ҳар бири ўз ўрнига эга.

Масалан, телевизорни олайлик. Одатда, мен уни ахборотлардан, янгиликлардан хабардор бўлиш мақсадида қўраман. Дом мен қойил қоладиган жиҳати, дунё ривожланиб, телевидениемиз ҳам анча тезкор бўлиб қолди. Агар ер юзининг қайси бир бурчада бирор бир воқеа содир бўлса, ҳеч қанча вақт ўтмай хабардор бўлаёلمиз.

Газетага келсак, фикримча, тезкорликда у ҳам бугун деярли телевидениега етиб олди. Ҳатто маълумотларни батафсил бера олиш имконияти юқорилиги билан бироз устун, десам ҳам эътироз билдирмасангиз керак. Ҳозир нима кўп, газетанинг тури кўп. Ҳар бирининг ўзига яраша йўналиши, ўқувчиси бор. Мен «Халқ сўзи»га обуна бўлганим учун ҳам, шу нашр ҳақида, унда берилётган материаллар ҳақида фикрларимни билдиришим мумкин. Так-

лифларимни ҳам айтмоқчи эдим. Газетанинг деярли ҳар бир сонини диққат билан қўзатиб бораман. «Халқ сўзи» кундалик нашр бўлгани учун ҳам дунё воқеа-ҳодисаларини тезкорлик

Газета ва газетхон

билан етказиб бермоқда. «Жаҳон 24 соат ичида» рукнида чет элга оид хабарларни ўқиб тура-лик. Телевидение уларнинг муҳимларини қанчалик тез кўрсатаётган бўлса, шу маълумотларни эрта тонгда газетадан ҳам батафсил қўзатиб бораёلمиз. Кейинги вақтларда «Халқ сўзи»гагина хос бўлган жиҳат шуки, газетада махсус саҳифалар ташкил этилиб, мунтазам бериб борилмоқда. Қўзатиб бораётганлар яхши билишадим, мен «Кунгил хабарлари», «Юзмаюз», «Онажоним, табият», «Энг гуллаган ёшлик чоғимда»,

даги чиқишлар кишини бефарқ қолдирмайди. Айнан шу саҳифаларни ўқиб бориш давомиди менда ҳам фикр, тақлиф тўғилди. Маъқул келса, албатта. Менимча, берилётган саҳифалар қаторида иқтисодиёт ва тиббиёт билан боғлиқ янги саҳифалар ҳам ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Негаки, бу икки йўналишда ҳам мамлакатимизда ибратли ишлар амалга ошириляпти. Масалан, тадбиркорликка бағишланган «Бизнесмен» ёки «Тадбиркор» деган саҳифа очиб, кўзга кўринган иш-

билармонларимизнинг тажрибаси, эришаётган ютуқлари, ўзига хос иш услуби ҳақида маълумотлар берилса, ўйлашимча, бу ҳамма учун қизиқ бўларди. Бундан ташқари, тадбиркорларимиз, фермерларимизни янги қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмуни билан ҳам шу саҳифалар орқали таништириб бориш мумкин. Бу фақат шу соҳа вакилларини эмас, балки тадбиркорликни бошламоқчи бўлганларнинг ҳам эътиборини тортса керак. Тиббиёт билан боғлиқ саҳифа тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Бизда замонавий тиббиёт билан халқ табиобатининг ўзига хос тажрибалари бор. Уни айнан шу йўналишдаги саҳифа орқали тарғиб қилиш, таништириш қулай имконият деганидир. Шундай эмасми?

Буларни оддий бир газетхоннинг тақлифи сифатида қабул қиларсиз деган умидда,

Жониккул КЕНЖАЕВ, Ғузур тумани

АЛОҚА ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Алоқа соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ва почта алоқаси корхоналари томонидан турли тўловларни амалга оширишда ўрнатилган тартибнинг бузилишига ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларининг поймол қилинишига йўл қўйилганда, шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар кун соат 10.00 дан 17.00 гача (тушлик — 13.00 дан 14.00 гача) Давлат алоқа инспекциясининг 237-01-11 рақамли «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ» хизматига қўнғироқ қилинг.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Нийзбек йўли 3-тор кўчаси, 3-уй. E-mail: sanktsiya@gis.uz

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат алоқа инспекцияларида шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар кун соат 10.00 дан 16.00 гача (тушлик — 13.00 дан 14.00 гача) қуйидаги «Ишонч телефони» хизматларига мурожаат қилишингиз мумкин:

Table with 3 columns: Region, Phone Number, and Service Hours. Lists regions like Qoraqalpog'iston, Andijon, Bukhoro, etc., with their respective phone numbers and service times.

Advertisement for NBU (National Bank of Uzbekistan) featuring a winter scene and text about 2009 year forecasts and services. Includes contact information and website URL.

Advertisement for New Holland TL 5060 tractor, showing the tractor in a field and providing technical details and contact information for sales.

САМАРҚАНДДА АДАБИЁТ БАЙРАМИ

Янги йил айёми арафасида Самарқандда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан адабиёт байрами ўтказилди.

Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, хусусан, ўзбек адабиёти тарихий ва замонавий аъёнлари асосида ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

давом эттириб келмоқда. Мазкур тадбир ҳам ана шу ижодий муҳит билан яқиндан танишиш, таниқли шоир ва ёзувчиларимиз иштирокида адабий учрашувлар ўтказиш, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилди. Шубҳасиз, бу байрам олис қишлоқларда, маҳаллаларда ҳам давом этади, адабий аъёнларнинг ривожланишига хизмат қилади.

Тадбир

Юртимизда кечатган улкан бунёдкорлик, одамлар онг шу уридаги ўзгаришлар шоир ва ёзувчиларимиз ижодида ҳам ўз ифодасини топаётди. Тадбирда сўзга чиққанлар Юртбошимизнинг ижод аҳлига қаратаётган юксак эътибори, бадиий ижод ва унинг ҳамияти тараққийотида аҳамияти, яратилган янги асарлар, муҳим тарихий ҳақиқатларни тўғри равишда тўхталиб ўтди.

— Самарқанд азалдан маърифат бешиги бўлиб келган, бу заминдан етишиб чиққан шоир ва ёзувчилар, олимлар адабиётимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшган, — деди Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов. — Бу аъёнани бутунги авлод вакиллари ҳам муносиб

Ф. ҲАСАНОВ, ЎЗА МУХБИРИ.



Мамлакатимизда истеъдодли йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш, улар иқтидорини рўйбга чиқариш масаласига юксак эътибор қаратиб келинмоқда. Президентимизнинг бекиёс ғамхўрликлари боис, бугун минглаб ўзбек фарзандлари муҳташам таълим масканларида, хориждагидан асло қолишмайдиган олий ўқув юртиларида тахсил олмоқдалар.



ҒАМХЎРЛИК ФИДОЙИЛИККА УНДАЙДИ

Бинобарин, таълим тизимидаги изчил ислохотлар мазмун-моҳияти билан йигит-қизларнинг юрт равақи учун жонкуяр ва фидойи муҳташасилар бўлиб етишмоғига қаратилган. Таълим тўғрисида "Ғи Қонун, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури каби ҳужжатларда акс этган вазифалар ҳам баайни ёшларимизнинг келажаги фаровонлигига хизмат қилаётди. Қад ростлаган ва ростлаётган, нафақат ташқи кўриниши, балки таълим

сифати билан ҳам бекиёс аҳамиятга молик касб-хунар коллежлари ва академик лицейларни айтмайсизми?! Муҳташам, замонавий ва сифатли ўқув жиҳозлари билан таъминланган бундай ўқув масканларида билим олаётган фарзандларимизга бокиб, фахрланмай бўладими?! Касби иқтисодиёт коллежи ҳам истиқлол йилларида ташкил этилган таълим даргоҳларидан саналади. Бу ерда ўқитиш, дарсликлардан фойда

ланиш, иқтидорларни кашф этиш борасида ўзига хос тажриба мактаби шаклланган.

Таълим

Айни пайтда молия, банк иши, банкларда бухгалтерия ҳисоби, маркетинг каби йўналишларда сабоқ олаётган 1015 ўқувчига 71 нафар ўқитувчи ва малакали мураббий дарс бермоқда. — Юртбошимиз раҳнамоли-

гида таълим соҳасига қаратилаётган юксак эътибор бизни ҳаминша фидойи бўлишга ундайди, — дейди Касби иқтисодиёт коллежи директори Аъзам Икромов. — Бугун астойдил меҳнат қиладиган, бор билим ва маҳоратни ишга соладиган давр келди. Зеро, ўқувчидан билим талаб қилиш учун, аввало, ўқитувчининг ўзи юксак тафаккур соҳиби бўлмоғи лозим. Шу маънода, ўқув масканимизга малакали, тажрибали устозларни тақлиф этганмиз.

Ҳасан Пайдоёв. Муаллиф олган суратлар.

Эзгу мақсад йўлида ҳамкорлик

Фавқулодда вазиятлар вазирлигида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни янада кучайтириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуман

Унда мамлакатимиз аҳолиси ва худудини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳусусида атрофлича маълумот берилди. Таъкидланганидек, айни пайтда вазирликнинг тез ҳаракат қилиш республика кўп тармоқли маркази, Тез ҳаракат қилиш махсус отряди, "Резак", "Қамчиқ" каби қилдирув-қутқарув отрядлари турли вазиятларда юзага келадиган кўнгилсиз воқеаларни бартараф этиш учун барча имкониятларга эга. Қутқарувчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув маркази эса вазирлик ходимларининг малакасини ошириш, жисмоний ва амалий кўникмаларини муостаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Матбуот анжуманида журналистларнинг савол-жавоб бағати қайтарилди.

М. ҲАЙДАРОВ.



Тиббиёт

Яқунлабган йил Фарғона вилоятида замонавий тиббиёт хизматлари энг чекка қишлоқларга ҳам етиб борганлиги билан ёдда қолиши табиий.

Эл саломатлигини кўзлаб

Чунончи "Саломатлик — 2" лойиҳаси бўйича Осий тараққийот банки ҳисобидан Бешарик туманининг Шоберди қишлоғидаги врачлик пункти тиббий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминланди. Худди шундай анжомлар билан қайта таъминланган Капаянги қишлоғидаги таъин пункт эса ҚВПга айлантирилди.

Шуниси эътиборлики, мазкур тиббий муассасаларда меҳнат қиладиган шифокорлар ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти томонидан уюштирилган махсус курсларда малака оширишди.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.


Спорт • Sport • Спорт • Sport

Японияда футбол бўйича клублар ўртасидаги жаҳон чемпионати якунланди. Нуфузли мусобақа финалида Англининг "Манчестер Юнайтед" ва Эквадорнинг "Лига Депортива Универсидад" жамоалари майдонга тушди.

ФИНАЛ УЧРАШУВИНИ ҲАМЮРТЛАРИМИЗ БОШҚАРДИ

Қизиқарли курашлар остида ўтган учрашунинг 73-дақиқасида Уэйн Руни томонидан киритилган ягона тўп эвазига "Манчестер Юнайтед" бош совринни кўлга киритди. Учинчи ўрин "Пануча" (Мексика) жамоасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратган "Гамба Осака"

(Япония) клубига насиб этди. Биз учун аҳамиятлиси, финал учрашувини ўзбекистонлик ФИФА рефериси, Осийнинг 2008 йилдаги энг яхши ҳаками, деб эътироф этилган Равшан Эрматов бошқарди. Яна бир ҳамюртимиз Абдуҳамид Расулов ёрдამчи ҳакам вазифасини бажарди. Уйндан сўнг Равшан Эрматов клублар ўртасидаги жаҳон чемпионатини муваффақиятли бошқарган ҳакам сифатида махсус соврин билан тақдирланди.



Эслатиб ўтати, Равшан Эрматов ва Абдуҳамид Расулов 2010 йилда Жанубий Африка Республикаси мезбонлик қиладиган жаҳон чемпионати ўйинларига жалб этилиши мумкин бўлган ҳакамлар рўйхатида ҳам асосий дэвюгарлардан ҳисобланишади.

Кикбоксингчилар «Жар»да беллашди

Пойтахтимиздаги "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуасида кикбоксинг бўйича Ўзбекистон кубоғи беллашувлари бўлиб ўтди.



Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Шарқ яққакурашлари ва жанг санъати республика маркази ҳамда Республика кикбоксинг федерацияси ҳамкорлигида ташкиллаштирилган мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган 400 нафардан ортиқ спортчилар иштирок этди.

Уч кун давом этган баҳслар якунига қўра, Тошкент шаҳри кикбоксингчилари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгалладилар. Қорақалпоғистон Республикаси жамоаси иккинчи, Наманган вилояти спортчилари эса учинчи ўриндан жой олишди.

Забдулла ЖОНИБЕКОВ, келган 140 нафар шахматчи катнашган мусобақада Антон Гўкўиз имкониятдан етти очко жамғариб, биринчи ўринни эгаллади.

UCellning Prepaid abonentlari uchun "Yakshanba bonusi" xizmati

Hafta davomida bemaol so'zlashing va yakshanba kuni UCelldagi do'stlaringiz bilan so'zlashish uchun qo'shimcha daqiqalarga ega bo'ling. Ko'proq so'zlashganingiz sari yakshanbada so'zlashish uchun bepul daqiqalar ham ortib boradi.

Xizmatga ulanish uchun "1" ni USSD so'rov orqali 1112 raqamiga yuboring (*1112*1#) va hafta davomida - dushanbadan shanbaga bemaol so'zlashing, barcha so'zlashgan "pullik" daqiqalaringiz sizga yakshanbada so'zlashish uchun tarmoq ichidagi bepul daqiqalar sifatida taqdim etiladi.

Xizmat narxi haftasiga \$0.20.

Bonus daqiqalaringizni amal qilish muddati: yakshanba kuni soat 00:00 dan 23:59 gacha. Mazkur muddat tugagandan so'ng foydalanilmagan daqiqalar bekor qilinadi.



Yanada Ko'prog'ini Kuting

UZUN TUNNING OPPOK TUHFASI

Kecha, 22 dekabr kuni Toshkentda kor e'gdi. Nafoqat poytaxtda, balki mamlatimizning tog'li hududlarida ham kish faslining oppok "marvaridi" zamin bag'riini qoplatdi. Kizik, utgan haftada kungillarni kuvontirgan kor kuvshining bir qarashida erib ketkandani. Xalqimiz iylning eng uzun tunini utkazgach, yana atrofini oqlik qoplaganiga guvoxb buldik.

Tabiatning ishi kizik-da. 21 dekabr oqshomi eng uzun tun bulganligini uylasak, erug kun uzoq davom etadigan 21 iyun e'dimimizga keladi. Oirasida olti oy - yrim iyl farq bor. Ana shu olti oy ichida ob-xavoning tavfovuti qancha ekanligini hisobga olsak, biz yashagor zamin nakadar mu'jizakor ekanligiga ishonchimiz ortadi. Bizda turt fasl mu'kamal namo'eb buladi. Bu ham Olloxb nazari tushganligi sharofatidan.

Ulkamizda jad-di oyi boslandi. Bu asli arabcha suz bulib, "ulok" degan ma'noini anglatadi. Shu oйда kish chilasi ham kiradi va u 5 fevralga qadar davom etadi. K'pnni kurgan, erning "tilli"ni biladigan de'xonlarning aytishicha, kish chilasidagi yomushlar ham kelgusi iyl hosili uchun puxta zamin yaratishda muhim ahamiyatga e'gadir. Masalan, aynan chilada erga yoxob suvi berilsa, u muzlab, turli zararkunanda xasharotlarning i'yoqolishiga xizmat qiladi...



Ulkamizda jad-di oyi boslandi. Bu asli arabcha suz bulib, "ulok" degan ma'noini anglatadi. Shu oйда kish chilasi ham kiradi va u 5 fevralga qadar davom etadi. K'pnni kurgan, erning "tilli"ni biladigan de'xonlarning aytishicha, kish chilasidagi yomushlar ham kelgusi iyl hosili uchun puxta zamin yaratishda muhim ahamiyatga e'gadir. Masalan, aynan chilada erga yoxob suvi berilsa, u muzlab, turli zararkunanda xasharotlarning i'yoqolishiga xizmat qiladi...

Tabiatdagi uzgarishlarni bilish uchun, shubhasiz, gidrometeorologiya xizmati mutaxassislari k'umagiga tayanamiz. Biroq, jahon tajribasida hozircha 5-7 kundan ortiq muddat uchun aniq bashorat keltirish i'ylga k'uyilmagan. K'olaverversa, global iqlim uzgariishi muammosi ham soxa vakillarining uzoq muddatli taxminlariga t'uskinlik qilmoqda. Turri, bazvan Internet sahifalarida hatto bir oyluk ob-xavo haqida olindan suz iuritilga-

dekabrda kechasi 2-7 daraja sovuq, kunduzi 2-7 daraja ilik buladi. Dekabrning 25-27 kunlari kechasi 2 daraja sovuq bilan 3 daraja ilik atrofiga, kunduzi esa 5-10 daraja ilikni tashkil etadi. Mamlatimizning tog'li hududlarida ham xavo uzgarib turadi. Bütün ayrim joylarda kor e'gad. 24-27 dekabrda e'gin-garçilik kuvatilmaydi. 23-25 dekabr kunlari kor k'uch xavfi bor. Tuman tushadi. Xarorat 23-24 dekabrda kechasi 8-13, kunduzi 0-5 daraja sovuq buladi. 25-27 dekabr kunlari esa kechasi 2-7 daraja sovuq, kunduzi 0-5 daraja ilikni tashkil etadi.

Table with 2 columns: Name and Address/Details. Includes names like Abdijon YAKUBBAEV, Xolmurad KURBANOV, and others.

Large advertisement for UCell featuring the headline 'UCell dan Muloqot bayrami!' and 'Atigi 20 sent!?' with a background image of a person.

Footer section containing contact information for 'Xalq s'uzi' newspaper, including the head editor's name, phone numbers, and subscription details.